

Тиббий кўзойнакни ким ихтиро қилган?



13:28 / 20 март 1121

Аббосий халифа Мансур Мустансирбиллоҳ энг биринчи кўзойнак таққан халифа ҳисобланади. (Ҳижрий 1242 санада вафот этган).

Маълумки, «назора», яъни кўзойнак умматнинг олтин асрларидан бўлган аббосийлар илмий уйғониш даври – ренессанси ютуқларидан ҳисобланади. Буюк олим ибн Ҳайсам кўзойнакнинг ихтирочиси ҳисобланади. Кўзи хиралашгани боис илк марта уни таққан киши халифа Мансур Мустансирбиллоҳ бўлган деб эътибор қилинади. Бу ҳақда имом Заҳабий айтиб ўтган.

Тиббий кўзойнакни дунёда биринчи бўлиб мусулмонлар ихтиро қилишган. Мусулмон олим Ҳасан ибн Ҳайсам одамлар кўзидаги кўриш кучи турфа хил эканини ўрганиб билгандан сўнг кўзойнакни кашф қилган. X аср охири XI аср бошларида яшаган Ғарбда Алҳазен номи билан танилган Ибн Ҳайсам (мил. 965-1040) «Оптика» («Манозир»)ни ёзиб, офталмологияга муҳим янгиликларни киритди. Китобда кўзнинг анатомияси ҳақида жуда кўп маълумотлар билан бир қаторда унинг функцияси ҳамда ёруғликнинг табиати ҳақида ҳам батафсил ёритилган. Шундан кейин тарқоқ нигоҳни тўғрилаш учун кўз олдида лупа (линза) тақишни ҳам айнан у йўлга қўйган. Бу зотдан кейин дунёда англиялик олим Роджер Бэкон Ҳасан ибн Ҳайсамга тақлид қилиб, линзани ихтиро қилди. У то бугунги кунгача такомиллашиб, ривожланишда давом этмоқда.

Француз математиги Чарльз Оберлинг айтган:

«Ибн Ҳайсам баҳслари ёруғлик илмидаги асл манбамиздир». Жорж Сартон

Ҳайсамни «Энг буюк муслмон физиги ва барча замонларнинг энг яхши оптик тадқиқотчиларидан бири» деб атаган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.